

Офиятнинг шукронаси



08:09 / 04.05.2020 2218

Ибн Ҳамид айтади: «Бир киши Ибн Муборакнинг ҳузурида акса урди, лекин Аллоҳга ҳамд айтмади. Ибн Муборак унга: «Акса урган одам нима дейиши керак?» деди. У: «Алҳамдулиллаҳ дейиши керак», деди. Ибн Муборак: «Ярҳамукаллоҳ (Аллоҳ сенга раҳм қилсин)», деди».

Ибн Уяйнадан ривоят қилинади: «Маккада қаттиқ ёмғир ёғиб, уйлар вайрон бўла бошлади. Ибн Абу Раводнинг уйи бундай вайронгарчиликдан сақланиб қолгани учун Аллоҳга шукрона сифатида бир жориясини озод қилди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан